O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
NUROTA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НУРАТИНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Nurota sh. X.Xudoyqulov ko'chasi 48 | г. Нурата ул. Х.Худойкулов 48

"23" октября 2018 йил | 28-909.

"Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2019 йилда иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тўғрисида"

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 7-17-моддалари *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда)*, Ўзбекистон Республикасида "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги *(янги таҳрири)* Қонуннинг 25-моддаси *(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон)*, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон 190-модда)*, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3856-сон қарори *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 17 июль)*, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга *(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2017 йил 11 декабрь)* асосан 2019 йилда иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги йигирма нафардан ортиқ ишловчи ходимлари мавжуд корхона, ташкилот ва муассасаларда

ходимларининг рўйхат бўйича умумий сонидан 10 фоиз - 166 кишини ташкил этади, жумладан:

- ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 12.7 фоиз - 21 киши;

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 47.5 фоиз - 79 киши;

- сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 23.0 фоиз 38 киши;

- ногиронлар учун 3 - фоиз 5 киши;

- пенсия олди ёшидаги шахслар учун учун 2.4 фоиз 4 киши;

- жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 9.0- фоиз 15 киши;

- одам савдоси қурбонлари учун 2.4- фоиз 4 киши.

2. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган иш ўринларини белгиланган муддатларда ва тартибда яратилиши (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) таъминлаш;

иш жойлари санитария гигиена нормаларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминлаш;

ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2018 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2019 йилнинг 10 апрель санасидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва буйруқ нусхаларини туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни 18-моддаси 3-қисмига асосан ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларга энг кам миқдоридаги иш жойларини яратиш юзасидан қабул қилинган мазкур қарорни бажармаганлик учун иш берувчилар ҳар бир яратилмаган иш жойи

учун қонунда белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 21-бандига асосан, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жарима тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмаслиги инобатга олинсин.

5. Тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича тузилган ишчи комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман ҳокимлиги иш юритиш бўлинмаси бошлиги (У.Усмонов)га, бир ҳафта муддатда мазкур қарорнинг 2-иловасини кўрсатилган корхона, ташкилот ва муассасаларига етказилиши таъминлансин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (И.Амонов)га ушбу қарорнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда ҳар чорак якуни билан амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимлигига маълумот тақдим этиб боришини таъминласин.

8. Туман "Нурнома" газетаси (Л.Бозоров) мазкур қарорни оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини, туман ҳокимлиги бош юрисконсульти (А.Эшмонов) мазкур қарор туман ҳокимлиги веб-сайтига жойлаштирилиши ҳамда давлат ҳисобига олиниши учун вилоят адлия бошқармасига етказилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор кучга кирган кундан эътиборан туман ҳокимининг 12.03.2018 йилдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2018 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги К-183 сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Назаров зиммасига юклатилсин.

11. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ж.Ҳамроев**

К Е Л И Ш И Л Д И:

1.	М.Назаров	-	Туман ҳокими биринчи ўринбосари	_____ (имзо)
2.	Н.Жўраев	-	Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари	(имзо)
3.	А.Эшмонов	-	Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти	(имзо)
4.	О.Маҳмудов	-	Туман ҳокимлиги иш юритиш бўлинмаси бошлиғи	(имзо)
5.	И.Амонов	-	Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори	(имзо)

Тайёрлади: Н.Нурманов
Туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси

Шахсий имзо _____

Бўлим индекси _____ “___”_____ 2018 йил

Туман ҳокимининг
2018 йил 23 октябр даги
К-909 сонли қарорига
1-илова

Туманда "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш" бўйича тузилган ишчи комиссия

Т А Р К И Б И

1. М.Назаров	-	туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси
2. И.Амонов	-	Туман АБКМ директори, комиссия раиси Ўринбосари

АЪЗОЛАРИ

3. А.Суннатов	-	Туман статистика бўлими бошлиғи
4. А.Эшмонов	-	туман ҳокимлиги бош юрисконсульти
5. С.Ҳайдаров	-	туман Молия бўлими мудири

Нурота туман ҳокимининг 2018 йил
Қ- -сонли қарорига 2 илова

Ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2019 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сони (квота) белгиланган Нурота туманидаги корхона, ташкилот ва муассасалар

Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Корхона, ташкилот муассасалар номи	Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони	Ижтиоий мухофазага мухтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун банд қилинган иш ўринларининг энг кам сони	шу жумладан						
				ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларини давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун	Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар шахслар учун	Ногиронлар учун	пенсияолди ёшидаги шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	Одам савдоси қурбонлари учун
А	Б	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Молия бўлими	23	1		1					
2	Халк банки	57	2	1	1					
3	Агробанк	29	1		1					
4	ДСИ	43	2		2					
5	Йўллардан фойдаланиш унитар кор	135	3			1			1	1
6	Халк таълими булими	35	1		1					
7	Ижтимоий иктисодиёт коллежи	129	2	1	1					
8	Кишлок хужалиги коллежи	153	3		1	2				
9	Саноат кончилик к.х.к	60	2		1	1				
10	Хизмат кўрсатиш коллежи	71	2			1		1		
11	2 кишлок хужалиги к.х.к	71	2	1		1				
12	Маиший хизмат кур.к.х к.	72	2		1				1	
13	Туман тиббиёт бирлшмаси	1392	15	1	10	1	1	1		1
14	Маданият булими	30	2		1		1			
15	ДСЭНМ	55	2	1	1					
16	Санъат лицейи	72	3		2	1				
17	2 ўртатаълим мактаб	82	2		1	1				
18	3 ўртатаълим мактаб	80	3	1	1	1				

Т/р	Корхона, ташкилот муассасалар номи	Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони	Ижтиоий мухофазага мухтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун банд қилинган иш ўринларининг энг кам сони	шу жумладан						
				ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларини давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун	Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар шахслар учун	Ногиронлар учун	пенсияолди ёшидаги шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	Одам савдоси қурбонлари учун
19	4 ўртатаълим мактаб	44	2	1	1					
20	5 ўртатаълим мактаб	70	3		1	1	1			
21	6 ўртатаълим мактаб	70	2		1	1				
22	7 ўртатаълим мактаб	71	2		1				1	
23	8 ўртатаълим мактаб	40	1		1					
24	9 ўртатаълим мактаб	54	2		1				1	
25	10 ўртатаълим мактаб	36	1		1					
26	11 ўртатаълим мактаб	54	1		1					
27	12 ўртатаълим мактаб	38	2	1	1					
28	13 ўртатаълим мактаб	61	2		1	1				
29	14 ўртатаълим мактаб	61	2		1	1				
30	15 ўртатаълим мактаб	52	2	1	1					
31	16 ўртатаълим мактаб	33	1		1					
32	17 ўртатаълим мактаб	28	1		1					
33	18 ўртатаълим мактаб	115	3		1	1			1	
34	19 ўртатаълим мактаб	61	2		1	1				
35	20 ўртатаълим мактаб	51	2		1					1
36	21 ўртатаълим мактаб	28	1		1					
37	22 ўртатаълим мактаб	97	3	1	1	1				
38	23 ўртатаълим мактаб	39	1			1				
39	24 ўртатаълим мактаб	38	1						1	
40	25 ўртатаълим мактаб	38	1		1					
41	26 ўртатаълим мактаб	49	2		1	1				
42	27 ўртатаълим мактаб	100	4	1	1	1			1	
43	28 ўртатаълим мактаб	24	1		1					
44	29 ўртатаълим мактаб	35	1		1					
45	30 ўртатаълим мактаб	26	1			1				
46	31 ўртатаълим мактаб	29	1							1
47	32 ўртатаълим мактаб	70	2		1				1	
48	33 ўртатаълим мактаб	46	2		1			1		
49	35 ўртатаълим мактаб	37	2		1	1				

Т/р	Корхона, ташкилот муассасалар номи	Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони	Ижтиоий мухофазага мухтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун банд қилинган иш ўринларининг энг кам сони	шу жумладан						
				ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларини давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун	Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар шахслар учун	Ногиронлар учун	пенсияолди ёшидаги шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	Одам савдоси қурбонлари учун
50	36 ўртатаълим мактаб	33	1		1					
51	37 ўртатаълим мактаб	28	1			1				
52	38 ўртатаълим мактаб	33	1			1				
53	39 ўртатаълим мактаб	27	1		1					
54	40 ўртатаълим мактаб	29	1			1				
55	41 ўртатаълим мактаб	31	1	1						
56	42 ўртатаълим мактаб	59	2				1	1		
57	43 ўртатаълим мактаб	46	2		1	1				
58	44 ўртатаълим мактаб	25	1		1					
59	45 ўртатаълим мактаб	48	2			1			1	
60	46 ўртатаълим мактаб	20	1		1					
61	47 ўртатаълим мактаб	25	1			1				
62	48 ўртатаълим мактаб	30	1	1						
63	49 ўртатаълим мактаб	32	1		1					
64	51 ўртатаълим мактаб	38	2		1				1	
65	52 ўртатаълим мактаб	31	1			1				
66	53 ўртатаълим мактаб	27	1		1					
67	54 ўртатаълим мактаб	54	2		1	1				
68	55 ўртатаълим мактаб	71	3		1	1			1	
69	56 ўртатаълим мактаб	36	1		1					
70	57 ўртатаълим мактаб	62	2	1	1					
71	58 ўртатаълим мактаб	57	2			1			1	
72	Ободонлаштириш бошқармаси	151	4	1		1	1		1	
73	Мурувват уйи	118	4	1	1	1			1	
74	Калдиргоч МТМ	30	2	1	1					
75	Бинафша МТМ	43	2	1	1					
76	Чўлигули МТМ	32	1		1					
77	Феруза МТМ	33	2	1	1					
78	Пахтаой МТМ	35	1		1					
79	Чевар МТМ	38	2	1	1					
80	Нилуфар МТМ	28	1		1					

Т/р	Корхона, ташкилот муассасалар номи	Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони	Ижтиоий мухофазага мухтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун банд қилинган иш ўринларининг энг кам сони	шу жумладан						
				ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун	умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларини давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилар учун	Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар шахслар учун	Ногиронлар учун	пенсияолди ёшидаги шахслар учун	жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун	Одам савдоси қурбонлари учун
81	Юлдуз М Т М	54	2	1	1					
82	Камалак МТМ	23	1		1					
83	Лола МТМ	20	1		1					
84	Мусиқа мактаби 5-сон	46	2		1	1				
85	БЎСМ	30	2		1	1				
86	Баркамол авлод болалар маркази	33	1		1					
87	Тоза ҳудуд ДУК	30	2			1			1	
88	Ветеринария бўлими	28	1			1				
	Жами:	**5798**	**166**	**21**	**79**	**38**	**5**	**4**	**15**	**4**

Нурота туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори
И.Амонов..